*Биз билган ва билмаган тарих*

# ТУРКИСТОН — ИЛК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Тоҳир ҚАҲҲОР



**Далварзинтепада археологик қазилма ишлари олиб бораётган япон олимлари яқинда бир жаҳоншумул хулосани матбуотда эълон қилдилар. Будда динининг илк келиб чиққан жойи бугунги Ўзбекистондаги Далварзинтепада экан.**

Бу кашфиёт Ўзбекистон учун жаҳон маданияти поғонасининг юксакликларига кўтарилиб фахрланиш ҳуқуқини беради. Зотан, чет дунёда будда дини эски турклар (ота-боболаримиз бўлган эски турклар будда, зардуштийлик, насронийлик динига айри-айри жуғрофий бўлакларда яшаб, топинганлар) учун энг кенг тарқалган ва энг мақбул динлардан бири экани тарихда таъкидланган (Зиё Кўкалп асарларига қаранг — Т. Қ.). Биз ўқиган китобларда будда Ҳиндистонда тарқалган, маркази у ер, деб келинди. («Ўзбек совет энциклопедияси»га қаранг). Макка шаҳри нафақат араб дунёсида, балки бутун мусулмон оламида муқаддас шаҳардир, жамики мусулмонлар Маккани севишади, зиёратга боришади. Насронийлар ҳам Исо Пайғамбар билан боғлиқ ерларни қутлуғ ҳисоблайдилар, масалан, унинг онаси Биби Марям мозорини насронийлар ҳам, мусулмонлар ҳам зиёрат этишади. Мозор бугунги Туркиянинг эски Салжуқ ёнидаги Булбултоғда. Бу зиёратгоҳ ҳам маданий, ҳам дўстлик алоқалари учун хизмат қилмоқда. Демак, бугунда будда дини кенг тарқалган қўшниларимиз — Ҳиндистон, Хитой, Япония учун будда маданиятининг илк бешиги бўлган Туркистон ерлари ҳам муқаддас бир зиёратгоҳга, элларимиз хайрли маданий алоқалар боғлайдиган бир азиз маконга айланажак.

Бу деганимиз, биз тарихда буддачи эдик, энди яна буддага топинишимиз керак ёки биз ҳам буддачиликка қараб кетамиз, дегани эмас. Бундай шубҳага фақат кам эътиқодлилар ва жоҳиллар боруви мумкин. Зотан, биз, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз, турк-ўзбекмиз; мусулмончилик бизга дунёларни яратган ва муҳофазасида тутиб турган, оламларнинг ягона эгаси бир буюк Тангрини теран танитган диндирки, бу динимиздан ҳеч ким, ҳеч бир мафкура энди чалғита олмас.

Аммо «Туркистон — илк маданият бешиги» дея ёзарканман, юқоридаги далилларни мутлақо назарда тутганим йўқ эди. Зотан, бу янгилик ҳали дунёга тарқалиб, сингиб улгурган эмас. Мен назарда тутган далиллар бошқадир, уларни муҳтарам ўқувчига билдирмоқ учун Истамбулда туркчада чиққан «Туркистон» журналига мурожаат этамиз. Соҳиби ва масъул мудири Зиёвуддин Бобоқурбон, бош муҳаррири Муҳаммад Амин Буғро саналган бу журналнинг 1953 йилги 5-сонида доктор Саффет Энгиннинг «Туркистон — она Туркэли» мақоласи бор. Олим ўз мақоласини «Энг эски маданиятларни яратган қавмлар Туркистондан — тарихлардан аввалги чоғларнинг у сирли маконидан чиққан» деган фикр билан бошлайди. Фикрини дунё олимларининг қарашлари, илмий қиёслар билан исботлайди.

Юз йиллаб мустамлакачилик мафкураси таъсирида қолганимизни, биз ўқиган китобларда она-Ватанимиз Туркистон ҳақидаги асл билгилар йўқлигини, зотан, 1924 йилда Туркистон парчалангач, бу ном Турк ва Туркистон атамалари расман таъқиқланганини, доим ёлғон бўҳтонли маълумотлар берилганини назарда тутиб, ўқувчиларни қуйида турк олимининг ушбу мақоласи мазмуни билан таништирамиз.

Бугунда эски маданият ўчоқлари (Миср, Ҳиндистон ва бошқалар) ҳақида сўзланаркан, бу ерларда яратилган маданиятлар кўчиб ё забт этиб келган Туркистон билан боғлиқлигини кам ёзганлар. Чунки Овруподаги қавмчилик тушунчасидаги олимлар маданият асосини Осиёдан борганини билса-да инкор этиб, уни Овруподан топмоқни истайдилар. Оврупо одами, Шимол одами, Ҳиндоориёний, Ҳиндо-овруполи дейилган одамларни етиштирган илк ерни тополмай-тополмай, ниҳоят, Помир шимолидаги Ўкуз дарёси бўйларидан, яна бугундаги Оврупо Русиясининг ўртасидаги Днепр дарёси қирғоқларидан у «илк одам» изларини ахтариб, у ерларга бу тарихни боғламоққа уриндилар. Яна бир олмон олими ҳам Помирни Овруподан излай-излай Олмония шимолидаги Таунс тоғидан ўзича илк одам ва маданият бешигини топмоқ истади. Аммо баландлиги 880 метр бўлган Таунус Помир тоғи олдида бир ўйинчоқ эканини унутган эди. Оврупонинг, Таунснинг илк макон экани ҳақидаги хаёлий гаплари Виктор-Ҳеҳн, Ужфалуз ва бошқа олимларнинг зарбасига дош беролмай парчаланиб кетди.

Карл Пенка деган олим ҳам осиёликлар учун Искандинавиянинг тиниқ сувли дарёлари бўйидан энг эски маконни ҳозирлади, аммо унинг бу хаёлий, илмий асоссиз гаплари ҳам ўша веналик олим Ужфалуз бошқарган бир йиғинда олимларнинг ҳужумига дош беролмади.

1850 йилдан бери баҳсларга сабаб бўлган юмалоқбошли, буғдойрангли одамларни (Туркистон туркларини) алпликларга — овруполикларга чиқариш учун ҳаракат қилинди.

Аммо у одамларнинг насллари бугунда Туркистонда яшамоқда. Туркистонда эски маданиятлар бўлган-бўлмагани хусусидаги кўп тортишувлар ва тарафчиликларга археолог-тарихчи олим Рафаэл Пумпэллий сўнгги нуқтани қўйди. Дунёдаги бошқа олимлардан Гурн Вадэл, Вўн Ла Гўг, Березовский, Олденбург, Козлов Пелиўт, Сир Аурел Стейин, Свен Ҳедин, Хунтинготўн кабилар ҳам — Р. Пумпэллий билан асосан фикрдошдир. 1927 йилдан 1953 йилларгача америкалик олимларнинг бир гуруҳи бугунги Мўғулистон ерларида археологик қазишмалар, тадқиқот олиб боришди. Пумпэллий ва дўстларининг Ҳазар шарқидаги Марв кенти ёнида, Анў маданияти изларини қазиб, илмий натижаларни эълон қилишлари жуда муҳим воқеа бўлди. Пумпэллийнинг Нью-Йорк шаҳрида босилган икки жилдли китобидан Туркистоннинг Анў маданияти ҳақидаги йил кўрсаткични келтирамиз. Жанубий Қўрғондаги темир даври милоддан олдинги 500 йил; шу Қўрғондаги мис даври милоддан олдинги 2200 йил; бу ердаги мис даврининг бошланиши милоддан олдинги 5200 йилга мансубдир;

Шимолий Қўрғондаги мис даври бошланиши эрадан аввалги, 6000-йиллар, Шимолий Қўрғонда уй ҳайвонлари сақлаш даври милоддан олдинги 8000-йиллар; Шимолий Қўрғоннинг қурилиши милоддан олдинги 9000-йилларга тўғри келади.

Шу китобдаги тарихий-илмий натижалар ҳам муҳим. Уларда кўрсатилишича, Туркистон ерларида арпа, буғдой етиштириш милоддан олдинги 8000-йилларга оиддир. Қўй, тўнғиз, от каби ҳайвонларни уйда боқиш даври ҳам шу йилларга тўғри келади. Бу даврда тўқимачилик ҳам қилинган. Туркистондан Ғарбга кўчиш ва юришлар туфайли бу маданият белгилари Ғарбга олиб борилган. Овруподаги тош даври маҳсуллари ана шу кўчириб олиб борилган маданият натижаларидир.

Эндиликда Миср маданияти дейилаётган маданиятни ҳам аслида Мисрни босиб олган Шумэрлар яратган, Шумэрлар асли Туркистоннинг юксак тоғларидандир. Улар Миср маданиятидан 2000 йил аввал бу маданиятни Туркистонда яратишган эди.

Туркистонда 10.000 (ўн минг) йил аввалги тарихларда шаклланган бир қишлоқ ҳаёти бўлгани маълум. Хотинлар ип йигирганлар, кумош (газлама) ва кийимлик тўқиганлар, тиккан кийимларига рангли иплар билан расмлар чизиб-тикканлар, ёқа-енгларига белгили халқачалар тўқиганлар. Бу ҳозиргача сақланган қазишлардан маълум. Хотинлар яна қўл тегирмонларда буғдой, арпа, жавдар, маккажўхори донини туйганлар, ун қилганлар; шолининг гуручини ажратиб олганлар, экмак (нон сўзининг эски туркчаси) пиришганлар. Эркаклар эса, далаларда ер ҳайдаган, экин эккан, чўлда ҳайвон сурувига қараган. Ўтда тоблаб, ўткирланган ўқларни отиб, тоғларда ов қилган Одамўғлининг ҳаётига оид бу кўриниш илк марта Туркистонда содир бўлган. Одамўғлининг уй ҳайвонлари тутиши хусусан, қўй боқиши, от боқиши, от миниши Турк элида шаклланган.

Милоддан олдинги олти мингинчи йилда Анў маданиятни бу ердан Ҳиндга кўчирганлар, у ўлкага олиб боргани ҳақида инглиз олимлари ёздилар. Инглиз Жўҳн Маршалл Ҳиндистон ғарбидаги Моҳенжўдару ва Ҳараппа деган ерда олиб борган қазишлардан сўнг шу фикрга келди. Шунингдек, ўша милоддан олдинги 6 мингинчи йилларда Туркистонда Месопотамияга, Мисрга ва Ўртаафрикага туркларнинг кўчиши бўлгани тарихда битилган. Худди шу кўчиш Чин ва Ҳинд тарафга ҳам йўналтирилган. Шу кўчишларда бошқа маданият белгилари қаторида маданийлаштирилган ҳайвонлар ҳам бориб қолган. Чин йилликларида ёзилишича, бундай ҳайвонлар Чинга турклар тарафидан милоддан олдинги 4 мингинчи йилларда олиб борилган.

Мисрда, Ҳиндда сигир, ҳўкизу-буқа муқаддас саналган. Бу ҳайвонлар билан боғлиқ диний тушунчалар бу ҳайвонлар олиб келинган юртда чиққан, деган хулосага етаклайдики, бу асоссиз эмас, албатта. Марв ёнидаги Анў маданияти маҳсулларига мансуб нарсалар, далиллар ичида пиширилган тупроқдан, securesополдан ясалган буқа ҳайкали бор, у милоддан олдинги 3000-йилга оид ҳайкал юқоридаги хулосани маълум даражада асослайди.

Сумэр (шумэр), Эти, Зардушт диний тушунчаларига кўра ҳам ҳўкизнинг муқаддас экани эски Туркистон ўлкасидаги маданиятнинг энг қўҳналигини англатади.

Шундай қилиб, Пумпэллийнинг бу хулосалари, илмий асослари ва турклик шон-шарафини юксалтириши билан қадрлидир. Бу олим каби Туркистон тарихига буюк хизмат қилганлардан яна бири инглиз Сир Аурел Стейиндир. Бу олимнинг китобида Такламакон чўлларида йўнматош (палеолит) даврида мазкур қумликларда турклар яшагани, ҳаёт қайнагани, бу яшаш макони Торим дарёси билан туташиб кетгани ҳақида сўз боради. Қисқаси, бу олимларнинг асарларидан чиқадиган хулосани шундай англатмоқ мумкин:

Шимолий Чинда янгидан аниқланган эски маданиятнинг ўчоғи Туркистондир. Шимолий Ҳинд ерларида топилган кўҳна маданиятнинг ватани Туркистон, Месопотамия, Миср ва Анадўлида кашф этилган эски маданиятнинг келиб чиққан ери ҳам Туркистонда.

Аммо кейинги юз йилликларда Туркистонда маданият йўқлиги ҳақидаги бўҳтонни мустамлакачи мафкура вакиллари кўп тарқатдилар. Дунёга ёйилган барча маданият йўллари туташадиган Туркистон тупроқлари, ундаги очилган ва ҳали очилмаган қат-қат маданий қатламлар бундай ўткинчи, бўш ҳужумларга шубҳасиз бардош бера олади.

Шундай қилиб, юқорида сўз юритганимиз маданиятларнинг бешиги эски Туркистондир. Бу ўлкага бошқа бирор чет қавмнинг кўчиб келиб, маданият яратгани хусусида тарихий ва археологик манба ҳозиргача топилмади. Туркистондан ва дунё турклари яшаётган ўлкалардан топилган ва янгидан кашф этилаётган манбалар у эски тарихлар, у эски маданиятлар яратувчи бизнинг бобо Туркистон экани, бизнинг боболаримиз эски турклар эканини исботламоқда.



**Халқимизда қаеринг оғриса, жонинг ўша ерда, дейишади. Зеро, инсон учун ҳамма аъзо ҳам биру, бироқ кўзнинг иши қийинроқ. Киши кўзи касалланса ёки кўрмай қолса дарди дунёси қоронғу бўлади, қолади.**

**Ўрта Осиё темир йўли Марказий клиник шифохонасининг кўз касалликлари бўлими мудираси Армида Арустамованинг бу даргоҳда ишлаётганига қарийб ўттиз йил бўлди. Бу давр ичида медицина фанлари номзоди, олий тоифали шифокор жуда кўп беморлар дардига малҳам бўла олди. Фотомухбиримиз Владимир Молгачев олган мазкур суратда моҳир шифокор А. Арустамова ҳамкасблари билан суҳбатлашмоқда.**

*Янги китоблар*

## «Саҳиҳи Термизий» чоп этилди

Ислом маданиятининг шаклланишига, оламшумул тараққиётга эришувига ота-боболаримиз катта ҳисса қўшган. Дунёнинг қадимий маданият бешиги бўлган ватанимиз — Туркистон тупроқларида жуда кўп олимлар, мутафаккирлар, атоқли муҳаддислар етишгани бизни фахрлантиради. Қуръони Каримдан кейинги асосий диний манбалар ҳисобланувчи ҳадис китобларини таълиф қилган ватандошларимиз Бухорий, Термизий, Нисоий, Марвазий, Башшор каби ҳадисчи олимлар асарларини ўрганиш, ҳадисларга амал қилиш камолотга эришиш шартларидандир.

Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» асари бугун ислом оламида маълум ва машҳур. Маълумки, ҳадислар ҳазрат Муҳаммад пайғамбаримиз (саллоллоҳу алайҳи вассаллам)нинг муборак сўзлари бўлиб, уларни йиғиш Расуллуллоҳ вафотидан бироз кейин бошланган. Имом Молик ибн Анас Молик ал-Асбаҳий (712 — 795 мелодий), имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофиий (765—818), Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (вафоти 855 мелодий), асли турк бўлган марвлик Абдулла ибн Муборак ал-Марвазий (вафоти 796 мелодий) ҳадисларни йиғиб, китоб ҳолига келтирган илк муҳаддислардан ҳисобланади. Иккинчи ҳижрий асрга келиб, асоссиз равишда ҳар хил муносабат билан ҳадис тўқиб, уни пайғамбар айтдилар, деб даъво қилувчилар кўпайгани боис, ҳадисларнинг аслини аниқлаш зарурати туғилди. Бу борада улуғ аллома имом Бухорийнинг хизматлари беқиёсдир. У кишининг «Жомеъ ас-саҳиҳ» китоблари ислом оламида аҳамияти жиҳатидан Қуръони Каримдан кейин турадиган биринчи китоб сифатида эътироф этилди.

Имом Термизий устоз анъанасини давом эттириб, узоқ илмий изланишлар туфайли ҳадис илмини янада юқорироқ босқичга кўтаришга эришди. Имом Термизий ҳазратлари китобда баъзи ҳадисларни «бу ҳадис ҳасан саҳиҳдур» калимаси билан тамомлайди. Бу эса мазкур ҳадиснинг чинлигига ҳеч қандай шубҳа йўқлигини билдирар эди. «Термизийнинг китоби, менинг учун имом Бухорий ва имом Муслим китобларидан фойдалироқдир, — деб ёзади имом Абу Исмоил Абдулло ибн Муҳаммад Ансорий, — чунки уларнинг китобларини чуқур илмли одамларгина тушунади. Абу Исонинг китобларидан эса ҳар бир киши фойдалана олади». Шу тариқа имом Термизий ҳазратлари ислом оламининг буюк уламоси, пешвоси даражасига эришади.

Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда бу асарлар муҳаддисларнинг ўз она тилида «гапирмоқда». Кўпгина арабшунос уламоларимиз, мутаржимларимиз ислом маънавий меросини халқимизга етказиш учун ғайрат қилмоқдалар. Улар орасида устоз шайх Абдуғани Абдуллоҳ жанобларининг айниқса, жонбозлик кўрсатаётганини таъкидламоқ даркор. У киши бебаҳо маънавий-маданий меросимизнинг кўпгина дурдоналарини таржима эттириб, нашр қилдиришга бош-қош бўлиб турибдилар. Баъзи асарларни чоп эттириш учун ҳомийлар излаб топаяптилар. Айни чоғда таржимонлик фаолияти билан шуғулланишга имкон топмоқдалар. Имом Абу Исо Термизий ҳазратларининг «Саҳиҳи Термизий» китобини ҳам у киши арабчадан таржима этдилар. Китобга изоҳлар ҳам илова этилгани унинг илмий қимматини янада оширган. Ушбу китобнинг нашр этилиши республикамизнинг маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Имом Ансорий ҳазратлари «бу китоб қайси уйда бўлса, ўша уйга муҳтожлик ва қашшоқлик кирмайди», деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Ундаги ҳадисларни ўқиб, уларга амал қилганларни Оллоҳ эзгу ниятларига етказсин.

**Бобохон ШАРИФ,**
**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти директори.**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади*

## «САХИЙ» ҲОМИЙЛАР

Ички ишлар ходимлари Андижонда тезкор-тадбир ўтказишаётган эди. Вилоят марказий банки иқтисодчиси И. Кузнецова Қирғизистон Республикаси фуқароси Д. Яндавурованинг 11 миллион 243 минг сўм (1961-92 йилларда чиққан) пулларини сира алмаштириб бермоқчи эмасди. Бироқ ҳар юз сўмдан 40 сўми чўнтакка қолишини эшитгач, ҳаёли қочди. Пул қурсин, экан. Бировга алмаштириб берадиганидан ҳам кўра ўзига қоладиганини ўйлаб ишга киришиб кетди.

Энди эса ушбу сахий ҳомийлар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

## «КЎНГИЛ ҚУРСИН»

Д. Маллаев бир йўла икки ишни уддалайдиган киши. Чунки, у Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги наслчилик заводида ҳам таъминотчи, ҳам ҳайдовчи. Заводга ул-бул керак бўлса, ўзи топиб, ўзи олиб келади.

У ер-бу ердан топганини, «ҳа», деб, заводга ташийвериш, фақат завод учун елиб-югуравериш жонига тегди шекилли, бир сафар ўз фойдаси учун ҳам ишлашни кўнгли тусаб қолди.

Битта, «лева» қилсам... Ие, бир йил ишлаб топганимдан ҳам кўп даромад қилар эканман-ей, — деганча хаёлан оғзи қулоғида эди. Шайтон васвасасига учиб, ўйлаганини амалда қилишга жазм этди. Бироқ, «чапга юриш»нинг ҳидини чиқармаслик учун «клиент»ни «зўри»дан топиш лозим эди. Бу масала унча қийинчилик туғдирмади. Ўзига ўхшаган ҳайдовчи А. Холмирзаев касби, тили ва ҳатто дили ҳам бир чиқиб қолди.

Шу боис, Д. Маллаев заводга олиб кетаётган салкам тўрт тонна бензинни унга 621.641 сўмга ҳадя қилган ҳам эдики, бензин тугул «лева» юришнинг ҳам мисси чиқди.

Қолган гапларни эса терговчилар аниқлашмоқда.

## «НОДИР» САФАР

М. Еникеев топилмайдиган йигит. Шунданми, ўзи ҳам тақчил, ноёб молларни жуда хуш кўради. Юрганда ҳам турганда ҳам нодир мол кўтариб ёки қидириб юради.

Дарвоқе у сотувчи бўлиб ишлайдиган фирманинг ҳам «Нодир» деб аталишига сира ажабланманг. Ахир, бу ҳам унинг таклифи билан аталган бўлса ажаб эмас.

Қисқаси, Навоий шаҳрида яшовчи бу йигит Москов тарафга сафарга отланди. Мўмай пул топишнинг топилмайдиган йўлларини ҳам биладиган бу йигит учта аёллар қоракўл палтоси ҳам олиб кетди. Аммо, унинг бундай «нодир» юришини ички ишлар ходимлари пайқаб қолгач...

Қисқаси, у «Самарқанд — Москва» поездида кетаётганида 2 миллион 200 минг сўмлик учта қоракўл палтоси ва бир қанча саноат моллари билан қўлга тушди.

## ЧОЙХОНАЧИНИНГ ҚИЛИҒИ

Чойхоначи Қ. Эргашев пул топишнинг, тўғрироғи бензин топишнинг антиқа йўлини топди. У бунинг учун бирор-бир бензин шохобчасига бориб, бензин сотувчини алдамайди. Ёки, йўлда кетаётган машинани тўхтатиб, ҳайдовчига «бензин беринг ака»-деб ялиниб ҳам ўтирмайди. У ўзининг анчадан буён ўйлаб юрган режаси, самовардан фақат чой оқмасдан, бензин ҳам оқса қанийди, деган хаёлий орзусига эришди, холос. Унинг иккинчи самоваридан чой эмас, ростакамига бензин оқадиган бўлди. Қишлоқ ҳудудидан ўтадиган нефтни қайта ишлаш заводи қувури унга иккинчи самовар бўлди. Чунки, у бу қувурни тешиб, бензин ола бошлади.

Бироқ унинг бу самовари кўп фойда бермади. Бундан кўра унинг чой сотиб юргани маъқул экан. Фарғона туманининг Хонқиз қишлоғида яшовчи К. Эргашев ўша қувурдан 750 литр ёнилғини ўмараётган пайтда қўлга олинди. Чойхоначининг ушбу антиқа тадбири устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**Вазирлик матбуот маркази нозири.**

## ҚУТЛОВ

**ҲУРМАТЛИ ПАДАРИ БУЗРУКВОРИМИЗ АБДУЖАББОР ЗИЁДОВ ВА МЕҲРИБОН ВОЛИДАИ МУҲТАРАМАМИЗ МУҲАЙЁХОН ЗИЁДОВА!**



Сизларни биз, фарзандларингиз таваллуд топган кунингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сиз дадажон, онамиз ҳамроҳлигида умрингизнинг салкам 50 йилини фан ва илм тараққиётига, ёш авлодга сабоқ беришга сарфладингиз. Қилган хизматларингиз халқимиз томонидан эъзозланяпти. Биз, сиздек ота-онамиз борлигидан фахрланамиз. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг. Илоё, 100 ёшни қаршиланг!

**ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ НОМИДАН БАХТИЁР.**

Ахборотлар Воқеалар Хабарлар

# ХАЛҚАРО КЎЗГУ

### ГАЗ КЕРАКМИ, ПУЛИНИ ТЎЛАНГ!

**● «Озодлик» радиосининг хабар беришича, Руминия Бош вазири Вакарою шу ҳафта мобайнида унинг мамлакати Россияга табиий газ учун 25 миллион доллар қарзни тўлашини билдирган.**

Бу ҳақ тўлансагина Россия Руминияга табиий газ етказиб беришни давом эттириши кўзда тутиляпти.

### ҚОРА ДЕНГИЗ ОСТИДА НЕФТЬ БОРМИ?

**● Украина пойтахти Киевда республика нефть ва газ қўмитаси ҳамда Буюк Британиянинг бир неча компаниялари ўртасида Қора денгизнинг «Дельфин» деб номланган жойида нефть қидириш ишларини бошлаб юбориш бўйича шартнома имзоланди.**

Мутахассислар тахминига кўра, Қора денгизнинг ушбу ҳудудида мамлакат ўзлаштирилмаган нефть ресурсларининг қарийб ярмидан кўпроғи яшириниб ётибди.

### КОНГРЕССМЕН МИШ-МИШЛАРНИ РАД ЭТДИ

**● Америкалик конгрессмен Г. Акерман «Ньюсуик» журналига берган интервьюсида айрим ахборот воситаларининг КХДР президенти Ким Ир Сеннинг оғир хасталикка чалингани ҳақидаги хабарлари уйдирмадан бошқа нарса эмас, деб миш-мишларни рад этди.**

Конгрессменнинг таъкидлашича, у 11 октябрда КХДРнинг 81 ёшли раҳбари билан икки соат мобайнида суҳбатлашган ва унинг «бардам аҳволда» эканлигига шахсан ўзи ишонч ҳосил қилган.

### СОЦИАЛИСТЛАР БИРЛАШМОҚДАЛАР

**● Шу кунларда Париж атрофидаги Буржа шаҳрида Франция социалистик партиясининг съезди ўз ишини якунлади.**

1993 йилда бўлиб ўтган парламент сайловларида катта мағлубиятга учраган бўлсаларда, социалистлар яна ўзларини тиклаб олишди. Буржадаги съездда эса М. Рокар партиянинг биринчи котиби этиб сайланди. У 80 фоиз овоз олди. Съезднинг қарорига кўра 1994 йилда М. Рокар Европа парламентига бўладиган сайловларда социалистлар рўйхатининг юқорисида турадиган бўлди.

### КХДРДАГИ АТОМ БОМБАСИ ВА УНГА ҚАРШИ ЖАНУБНИНГ ҚАДАМЛАРИ

**● АҚШ ва Жанубий Кореянинг КХДРнинг ядро программаси ривожланишига қарши ҳамкорликдаги чоралари — бу навбатдаги Америка — Жанубий Корея маслаҳат кенгашидаги асосий масалалардан бири бўлди.**

Шу кенгаш яқинда Сеул шаҳрида очилди. Кенгаш давомида Шимолий Кореянинг ядро имкониятларига баҳо берилади ҳамда Сеул ва Вашингтоннинг Пхеньян томонидан атом бомбаси яратилишига қарши режалар белгилаб олинади.

### ҲАР ЎН ПОРАХЎРНИНГ БИРИ — МАНСАБДОР

**● Хитойда порахўрлик ва ғирромликнинг авж олиб кетишига асосан мансабдор шахслар айбдор деб ҳисобланмоқда.**

Ўн ҳодисадан бирида юқори лавозимдаги партия ва ҳукумат вакиллари бор.

Бу ҳақда ХХР олий халқ прокуратурасининг бош прокурори Чжан Сицин Хитой парламентининг доимий қўмитаси йиғилишида ахборот берди. У мамлакатда бошланган қонун бузишларга қарши курашнинг 9 ойлиги якунларига бағишланган мажлисда шу гапларни айтди.

### ПОДШОНИНГ ЎҒЛИ ВА НЕВАРАСИ ТИРИКМИ?

**● Австралиянинг Мельбурн шаҳридаги Европа муаммоларини ўрганиш маркази ана шундай қарорга келди.**

Шаҳардаги университетда тўпланган ҳужжатлар подшо оиласининг Екатеринбургда ўлдирилиши ҳақидаги маълумотларни тўлдиради. Баъзи бир тарихчи ва юристларнинг нуқтаи назарига қараганда подшо оиласининг барча аъзолари ҳам 1918 йилда ҳалок бўлмаган. Николай II нинг қизи Мария тирик қолганди. Унинг қизи эса тахтнинг бевосита меросхўри Алексей билан Мадридда яшамоқда.

### МАРАДОНАНИНГ ФУТБОЛКАСИ ФИДЕЛЬ КАСТРОГА ТЕГДИ

**● Машҳур футболчи Диего Марадонанинг 10-рақамли футболкаси Гаванадаги маҳаллий спорт журналистлари томонидан Фидель Кастрога совға қилинди.**

Марадона бу футболка билан Аргентина терма командасида дастлабки ўйинда қатнашганди.

Диего Марадона — Фиделнинг ҳақиқий мухлиси. «Майли, мени аблаҳ деб atашсин, лекин мен Кубани севаман. Ҳар қандай қийинчилик бўлганда ҳам бу мамлакат менинг муҳаббатим», — деди яқинда Аргентина футболининг қироли.

### ХИТОЙ ОЛИМЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

**● Хитой олимлари «Токамак» туркумидаги термоядро қурилмасининг бошқарув системасини яратди.**

«Чайна дейли» газетасининг хабар беришича, бу ишланма хитойлик ва чет эллик махсус мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Яқин кунларда дастлабки синовлар бошланади. Ҳозиргача бундай қурилма Россия, Франция ва Японияда мавжуд эди.

Хитой «Токамак» туркумидаги энг йирик қурилмани Россиядан олган, унинг эвазига 16 миллион долларлик компьютер, иссиқ кийим ва ёмғирпўшлар берган эди.

### ЭРОН ЯДРО ДАВЛАТИГА АЙЛАНАДИ

**● Эрон яқин беш йил ичида ядро қуролига эга давлатга айланади.**

Американинг «О. С. Ньюс энд уорлд рипорт» ҳафталиги ишончли манбаларнинг маълумотларига асосланиб шундай хабар тарқатди.

Журналнинг таъкидлашича, Эрон ядро қуроли ишлаб чиқариш билан боғлиқ бир неча кичик лойиҳаларни амалиётга жорий этишга қарор қилган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Ахборотлар Воқеалар Хабарлар

